



Huquqshunos

2015 йил, 3 сон

ЮРИСТ

Судьялик — қонун ва адолатни қарор топтириш ваколатидир



Кексалари

улуғланган юрт

Муассис:

Ўзбекистон Судьялари
Ассоциацияси

Бош муҳаррир в.б
Шерзод ДАМИНОВ

Бош муҳаррир ўринбосари:
Садриддин ГУЗАРОВ

Таҳририятнинг вилоятлардаги мухбирлари:

Қорақалпоғистонда: –
Қуанышбай ХОЖАМУРАТОВ
Андижонда: –
Илхомжон СОТВОЛДИЕВ
Наманганда: –
Адхам ЮСУПЖОНОВ
Жиззахда: –
Жасур АХБУТАЕВ
Навоийда: –
Ибодат ШОЙМАРДОНОВА
Самарқандда: –
Хусан ИСАКОВ
Тошкент вилоятида: –
Исматулла МАМАНОВ
Фарғонада: –
Рустамжон ТУРГИНОВ
Хоразмда: –
Зафарбек ИСАКОВ
Қашқадарёда: –
Хайруллахон КАМОЛОВ
Тошкент шаҳрида: –
Фарход ШУКУРОВ

Журнал таҳририят компьютер
марказида саҳифаланди.

Таҳририятга келган қўлёзмалар,
фотосуратлар қайтарилмайди.

Муаллифларнинг фикрлари
таҳририят фикридан
фарқланиши мумкин.

Босмаҳонага 28.09.2015 да топширилди.
Қоғоз бичими 60x84 1/8. Ҳажми 6,5
босма тобок. Буюртма №131.
Адади 3000 нусха.
Манзилимиз: 100015. Тошкент ш.
Миробод тумани, Хонзодабегим кўчаси 8.
Тел: 281-42-11

Email: huquq_yurist@mail.ru

Журнал индекси:
Якка обуначилар - 951
Ташкилотлар - 952
«Мухаррир» нашриёти МЧЖ босмаҳонасида
босилди. Тошкент ш., Элбек кўчаси, 8-уй.

МУНДАРИЖА

С.Гузаров Кексаларни эъзозлаш қадриятдир	2
А.Маҳкамов Қонун ва фармон ижроси билан	4
М.Миррахимов Озодликни чеклаш жазоси – уй қамоғими ёхуд жиноят қонунчилигидаги ислоҳотларнинг аҳамияти	6
Ҳ.Акбаров Фирибгарга жазо муқаррар	8
Р.Орзикулов Экспертиза институтининг суд-ҳуқуқ соҳасидаги ўрни.....	9
К.Саидов Хайрли ва хосиятли тадбир	10
Сермазмун ва ибратомуз йўл	12
Соҳа фидойилари	13
Электрон судлов: самарали ҳуқуқий ҳимоя тизими	14
Қутлов	15
Б.Миролимов Коррупцияга қарши жиноий жазо чоралари кучайтирилди ..	19
П.Эшматов Судьяларнинг малакасини оширишда вилоят судларининг ўрни.....	20
Г.Маликова Органы самоуправления граждан в механизме социального партнерства: экономика-правовой аспект.....	22
Н.Нармурадов, О.Абдурахманова Суд тизими кадрларини тайёрлашда суд этикасининг роли ..	24
Б.Топилдиев Ишончли бошқарувчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари.....	26
Г.Адилова, А.Темиров Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни кредитлашнинг ҳуқуқий асослари	28
С.Аҳмедов Қонунга хилоф равишда чет элга чиқиш оқибатлари	30
А.Шоносир Меҳринг нуридан яйрасин диллар	31



КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИ КРЕДИТЛАШНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

Ўзбекистон Республикасида ҳам кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш масалаларига давлат миқёсида аҳамият бериб келинмоқда. Мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришда кичик бизнесни ривожлантириш устувор йўналиш бўлиши, жаҳонда кичик бизнесни ривожлантирмай туриб, иқтисодий ўсишга, ишсизлик даражасининг пасайишига ва аҳоли даромадлари ошишига эришган бирор мамлакат мавжуд эмас, демакки, уни амалга ошириш йўллари ҳам кўрсатиб келинмоқда. Бу борада мамлакатимиз Президенти И.Каримов "...ишбилармонлик муҳитини яхшилаш ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожини учун янада қулай шароитлар яратишга қаратилган чора-тадбирларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш зарурлигини барчамиз албатта яхши тушунамиз" – дея таъкидлайди.

Мамлакатимизда кичик бизнес субъектларини кредитлаш масалаларининг ҳуқуқий асослари Ўзбекистон Республикаси "Банклар ва банк фаолияти тўғрисида" қонунига ва бир қатор меъёрий ҳужжатларда белгилаб қўйилган. Хусусан, "Мева-сабзавот ва чорвачилик маҳсулотларини қайта ишлаш бўйича мини-технологиялар ва ихчам асбоб-ускуналар сотиб олиш учун фермер хўжаликлари ва кичик бизнеснинг бошқа субъектларига имтиёзли кредитлар бериш ва лизинг хизматлари кўрсатиш тартиби тўғрисидаги Низом", "Қишлоқ хўжалиги корхоналарининг давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган пахта ва ғалла етиштириш харажатларини тижорат банклари томонидан кредитлаш тартиби тўғрисида Низом", "Тижорат банклари томонидан фермер хўжаликларини, шунингдек, кичик бизнес субъектларини миллий валютада кредитлаш Тартиби" каби ҳужжатларда кредитлар тартиблари аниқ баён этилган.

Кичик бизнесни ривожлантиришни давлат томонидан рағбатлантиришнинг асосий йўналишлари меъёрий-ҳуқуқий базани такомиллаштириш, инфратузилмани шакллантириш ва тадбиркорлик субъектларининг фаолияти учун шароит яратиш ҳисобланади. Кичик ва хусусий бизнесни ривожлантиришни рағбатлантиришнинг устун йўналишлари қишлоқ жойларда кичик ва хусусий бизнес субъектларини, шунингдек, рақобатдош ва экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган, хизматлар кўрсатадиган кичик ва хусусий корхоналарни тузишга кўмаклашиш ҳисобланади.

Жаҳон тажрибасида кичик бизнес корхоналарини ташкил этиш ва уларни ривожлантириш учун маблағ етишмаслиги энг мураккаб муаммолардан бири ҳисобланади. Кичик бизнес субъектларининг таваккалчилик даражаси юқори ва гаров имкониятларининг кучсиз эканлиги сабабли, тижорат банклари аксарият ҳолларда

уларни кредитлашни хоҳламайдилар. Иқтисодиётнинг ушбу секторини ривожлантиришда халқаро молия институтларининг дастурларидан фойдаланиш кенг тарқалган. Республикада қатор халқаро молиявий ташкилотлар кичик корхоналарни ривожлантириш борасида ўз дастурлари билан иштирок этиб келмоқдалар. Осиё Тикланиш ва Тараққиёт банки ва қатор тижорат банклари ҳамкорлигида Ўзбекистонда "Кичик бизнес корхоналарини микрокредитлаш дастури" амалга оширилмоқда.

Кичик бизнес субъектлари фаолиятини кредитлашда энг муҳим ҳужжатлардан бири сифатида "Тижорат банклари томонидан фермер хўжаликларини, шунингдек, кичик бизнес субъектларини миллий валютада кредитлаш тартиби" муҳим ўрин эгаллайди. Мазкур татибга кўра тижорат банклари қарз олувчиларга кредитларни шартномавий асосда беради.

Кредитлар берилиши кредитланаётган тадбирнинг ўзини қоплашига боғлиқдир, хусусан:

- кичик бизнес субъектларига оборот маблағларини тўлдириш учун кредитлар 1 йилгача муддат билан берилади;

- фермер хўжаликлари ва, шунингдек, юридик шахсни ташкил этган деҳқон хўжаликлари га қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини ташкил этишга оборот маблағларини тўлдириш учун кредитлар, одатда, камида 2 йил муддатга берилади;

- кичик бизнеснинг барча субъектларига, шунингдек, юридик шахсни ташкил этган фермер ва деҳқон хўжаликлари га инвестиция лойиҳаларини молиялаш учун кредитлар тўлаш муддатини узайтириш ҳуқуқисиз 5 йилгача муддатга берилиши мумкин.

Кичик бизнес субъектларига оборот маблағларини тўлдиришга бериладиган кредитларни сўндиришнинг энг кўп муддати, уни узайтириш ҳисобга олинган ҳолда, 12 ойдан ошиши



мумкин эмас, кутилмаган (форс-мажор) ҳолатлар бундан мустасно. Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини ташкил этишга мўлжалланган оборот маблағларини тўлдириш учун деҳқон ва фермер хўжаликларига берилган кредитларни сўндиришнинг энг кўп муддати, уни узайтириш ҳисобга олинган ҳолда, кутилмаган (форс-мажор) ҳолатлардан ташқари, 30 ойдан ошиши мумкин эмас. Қишлоқ хўжалик фаолияти билан боғланмаган фермер ва деҳқон хўжаликларининг оборот маблағларини тўлдиришга берилган бошқа кредитлар бўйича, бу муддатни узайтириш ҳисобга олинган ҳолда, улардан фойдаланишнинг энг кўп муддати 12 ой қилиб белгиланади.

Инвестиция мақсадлари учун берилган кредитлар бўйича банклар кредитлашнинг имтиёзли даврини белгилашлари мумкин. Кредитлардан фойдаланганлик учун фоиз ставкасининг миқдори қарз олувчи билан банк ўртасида кредит шартномасига асосланган ўзаро келишув бўйича белгиланади. Кредитларнинг берилиши миқдорнинг талаб қилиб олингунгача депозит ҳисоб варағи жойлашган ҳудуд бўйича амалга оширилади. Зарар кўриб ишлаётган, ноликвид балансга эга бўлган қарз олувчиларга кредит берилмайди, илгари берилган ссудалар эса, белгиланган тартибда муддатидан олдин ундиришга тақдим этилади. Ушбу қоида кредит шартномасида мажбурий тартибда таъкидланиши керак.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 20.08.2007 йилда 178-сон Қарорига кўра қабул қилинган “Мева-сабзавот ва чорвачилик маҳсулотларини қайта ишлаш бўйича мини-технологиялар ва ихчам асбоб-ускуналар сотиб олиш учун фермер хўжаликларига ва кичик бизнеснинг бошқа субъектларига имтиёзли кредитлар бериш ва лизинг хизматлари кўрсатиш тартиби тўғрисида Низом”, Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги томонидан 14.04.2007 йилда 1675-сон билан рўйхатга олинган “Қишлоқ хўжалиги корхоналарининг давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган пахта ва ғалла етиштириш харажатларини тижорат банклари томонидан кредитлаш тартиби тўғрисида Низом” (янги таҳрирда), Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлигидан 19.05.2004 й. 1358-сон билан рўйхатга олинган “Марказлаштирилган молиялаш манбалари ҳисобидан объектларни фойдаланишга тайёр ҳолда кўрилишини амалга оширишда пудрат қурилиш ташкилотларини тижорат банклари томонидан кредитлаш тартиби тўғрисидаги Низом”, Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлигидан 16.04.2004 йилда 1337-сон билан рўйхатга

олинган “Тижорат банклари томонидан фермер хўжаликларига бўлғуси ҳосилни гаровга олган ҳолда кредит бериш тартиби тўғрисида Низом”, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни кредитлашнинг ҳуқуқий асосларини ташкил қилади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг бугунги кунда мамлакатимизда микрокредитлашнинг умумий қоида ва тартиблари белгилаб берилди ҳамда тадбиркорлар эҳтиёжи учун зарур бўлган ўз пул маблағларини нақд пул тарзида тижорат банкларидан олиш муаммоси ҳал бўлди. Айни пайтда тижорат банклари тадбиркорлик субъектларига микрокредитлар ажратишни мазкур меъёрий ҳужжатлар асосида олиб бормоқда. Марказий банкнинг бу меъёрий ҳужжатларига асосан, микрокредитлар қарз олувчилар учун қуйидаги мақсадлар учун берилади:

- кичик(мини) ускуналарни харид қилиш;
- хусусий ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва кенгайтириш, шу жумладан, уруғлик, чорва моллари, ёш чорва моллари, парранда, ем-хашак ва омихта ем, ветеринария дори-дармонлари, ўсимликларни ҳимоя қилиш кимёвий воситалари ва минерал ўғитларни сотиб олиш;
- хом ашё ва материалларга бирламчи ишлов бериш;
- меҳнат қуроллари, хом ашё, ярим тайёр маҳсулотлар ва ёрдамчи ашёларни харид қилиш;
- сервис хизмати ва маиший хизмат кўрсатишни ривожлантириш;
- кичик кўламдаги ишлаб чиқаришларни ташкил қилиш;
- Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги билан тақиқланмаган халқ истеъмоли молларини ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаси билан боғлиқ тадбиркорлик фаолиятининг бошқа турлари.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар, янги иш жойлари ташкил этилишига, аҳолининг иш билан бандлик даражасини оширишга, ялпи ички маҳсулотни кўпайтиришга, импорт қилинаётган маҳсулотлар салмоғини камайтиришга, экспортбоп товарлар ишлаб чиқаришни ривожлантиришга, ички бозорни товарлар ва хизматлар билан тўлдиришга ҳамда республикамизда эркин рақобат муҳитининг ривожланиб боришига хизмат қилади.

Гўзал АДИЛОВА,
ТДИУ доценти, и.ф.н,
Абдулазиз ТЕМИРОВ,
ТДИУ доценти, и.ф.н.